



QAROR.

№-102-К

2007 йил «14» январь

Аҳолига якка тартибда уй-жой
қуриш учун ер майдони ажратиш
туғрисида.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 26-27-моддаларига асосан
ҳамда туман ҳокимлиги қошидаги ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг
2006 йил 24-ноябрдаги далолатномаси ва «Меҳрибоний-Нодирбек-БНХ» фермер
хўжалигининг 2006 йил 20-августдаги 4-сонли умумий йиғилиш қарори ҳамда
Шермаматов номли маҳалла фуқаролар йиғинининг туман ҳокими номига ёзган
2006 йил 21-сентябрдаги 285-сонли хатини қуриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги қошидаги ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг
2006 йил 24-ноябрдаги далолатномаси ҳамда «Меҳрибоний-Нодирбек-БНХ»
фермер хўжалигининг 2006 йил 20-августдаги 4-сонли, 37-контурдан 2,9 гектар ер
майдони якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратиш туғрисидаги умумий
йиғилиш қарори тасдиқлансин.
2. Туман бош архитектори (С. Абдурахмонов)га аҳолига якка тартибдаги уй-
жойларни қуриш учун ажратилган ер майдонига бош режа асосида уй-жойларни
қурилишини назорат қилиш юклатилсин.
3. Туман якка тартибдаги уй-жойларни мувофиқлаштириш бўлими
(С. Сайидмуродов)га якка тартибда уй-жой қурувчиларга ер участкаларини бўлиб
қуришда, уй-жойларни паспортини расмийлаштириб бериш, янги қурилаётган уй-
жойларга муҳандислик тармоқлари (сув, свет, газ, йул ва бошқалар)ни лойихалаш
ва қуришга амалий ёрдам бериш топширилсин.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг
биринчи урибосари Ш. Нарзиевга юклатилсин.
5. Ушбу қарорни тасдиғи вилоят ҳокимидан суралсин.

Туман ҳокими:- *Ш. Негматов* Ш. Негматов